МАҲАЛЛА ВА ОТМЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ЁШЛАРНИНГ ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Махмудова Сумбула Абдумаликовна
Фарғона давлат университети “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи катта илмий ходими,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация. Мазкур мақолада маҳалла ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида ёшларнинг гендер тенглиги тамойилларига асосланган ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари ёритилади. Бугунги кунда ёшларнинг таълим олиши, касбий ривожланиши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Мақолада маҳалла ва ОТМ ўртасидаги ҳамкорликнинг ёшлар билан ишлашдаги аҳамияти, гендер ёндашувини таълим ва ижтимоий фаолиятга интеграция қилиш имкониятлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: гендер тенглиги, ёшлар, маҳалла, олий таълим муассасаси, ижтимоий фаоллик, тенг имконият, ёшлар сиёсати, ҳамкорлик

Кириш. Бугунги глобаллашув ва рақамлашиш даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни яратиш барқарор тараққиётнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистонда маҳалла ва олий таълим муассасалари фуқаролик жамиятининг икки йирик ва таъсирчан устуни ҳисобланади. Бироқ, ушбу икки институт ўртасидаги ҳамкорлик узоқ вақт давомида муайян тадбирлар билан чекланиб келган бўлса, бугунги илмий ва амалий эҳтиёж уларни ягона инновацион экотизимга бирлаштиришни талаб этмоқда. Маҳалланинг ижтимоий муҳитга бевосита кириб бориш имконияти ва олийгоҳларнинг интеллектуал, академик ҳамда тадқиқотчилик салоҳияти бирлашганда, ёшлар ўртасида гендер тенглиги ва ижтимоий фаолликни таъминлашнинг янги драйвери пайдо бўлади.

Сўнгги даврда Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлилик

имкониятларини таъминлаш, шунингдек, маҳалла ва ёшлар сиёсатини янги босқичга кўтариш борасида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат томонидан жамият ва давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари жамиятда гендер маданиятини шакллантиришнинг асосий дастагига айланди. Мазкур ҳуқуқий базани амалиётга татбиқ этишда Президентнинг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Бу фармон билан ҳар бир маҳаллада «Маҳалла хотин-қизлар фаоли» лавозими жорий этилди, бу эса оилалар ва қизлар билан манзилли ишлаш, уларнинг ижтимоий ва таълимий эҳтиёжларини аниқлашда мутлақо янги амалий механизм бўлди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан маҳаллаларда «Ёшлар етакчиси» лавозими тузилди. Бу механизм «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари» тизимлари орқали олий таълимда таҳсил олаётган эҳтиёжманд қизларнинг контракт тўловларини тўлаб бериш, қизларни IT ва хорижий тилларга бепул ўқитиш каби амалий имкониятларни яратди.

Шунингдек, 2023 йил 21 декабрдаги «Маҳалла институтининг жамиятдаги ўрнини ошириш ва маҳаллада муаммоларни ҳал этишда биринчи бўғин органларининг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони маҳалланинг «бешлик» ва «еттилик» тизимини мустаҳкамлаб, таълим ва ижтимоий муассасалар билан бевосита ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтирди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла даражасида хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ҳамда таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қатор рақамли дастурлар ва тизимлар амалиётга татбиқ

этилди.

Биринчидан, маҳаллага тегишли ижтимоий реестрларнинг электрон платформалари яратилди. Бу тизимлар орқали маҳаллалардаги эҳтиёжманд ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар аниқланиб, уларга олий таълим муассасаларида ўқиш учун тўлов-контракт маблағлари қоплаб берилмоқда, касб-ҳунар ва IT соҳаларига бепул ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Иккинчидан, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан «Ибрат фарзандлари» ва «Келажак касблари» лойиҳалари йўлга қўйилди. Ушбу дастурлар орқали маҳаллалардаги минглаб уюшмаган қизлар ва талабалар хорижий тиллар ва рақамли технологияларга бепул ўқитилиб, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги кескин оширилмоқда.

Учинчидан, давлат даражасида олий таълимда таҳсил олаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг ноёб механизми – мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларга ажратиладиган алоҳида квоталар ва магистратурада таҳсил олаётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тизими жорий этилди. Бу механизм бевосита маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг тавсияномалари билан мувофиқлаштирилади.

Тўртинчидан, Инновацион ривожланиш агентлиги ва Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти томонидан «Оила, маҳалла ва хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» йўналишида қатор амалий ва инновацион грант лойиҳалари амалга оширилмоқда. Масалан, университетлар социолог ва психолог олимлари томонидан маҳаллаларда гендер стереотипларини енгиш, хотин-қизларни тадбиркорликка ва илм-фанга жалб қилишга қаратилган методик қўлланмалар ҳамда психологик тренинг модуллари ишлаб чиқилиб, «маҳалла еттилиги» фаолиятига татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, «Қизларжон» ва «Оқила аёллар» ҳаракатлари маҳалла ва ОТМлар ўртасида кўприк вазифасини ўтаб, юқори босқич талаба-қизларининг маҳаллалардаги мактаб ўқувчиларига менторлик қилиш тизимини шакллантирмоқда.

Социология ва педагогика соҳасидаги замонавий илмий тадқиқотлар шуни

кўрсатадики, жамиятда гендер тенглигига фақат ҳуқуқий ёки маъмурий йўл билан эришиб бўлмайди, чунки у ижтимоий капитал ва жамоавий маданиятнинг маҳсулидир. Пьер Бурдьёнинг ижтимоий капитал назариясига ва Роберт Патнамнинг жамоавий ишонч ҳақидаги қарашларига таянган ҳолда, университетлар ва маҳаллалар ўртасидаги алоқаларни «кўприк солувчи ижтимоий капитал» сифатида талқин қилиш мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган яна бир янги ғоя – «маҳаллаларда гендер маданиятини барвақт шакллантириш» концепциясидир. Бу концепция қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги тенглик тамойилларини оилавий муҳит ва маҳаллий жамият даражасида илмий қарашлар асосида сингдиришни кўзда тутади.

Жаҳон тажрибасида олий таълим муассасалари ва маҳалла аҳли ҳамкорлиги бўйича самарали моделларга гувоҳ бўлиш мумкин. АҚШ ва Европа мамлакатларида кенг оммалашган "Жамиятга хизмат қилиш орқали ўрганиш" ҳамда «жамият-олийгоҳ-ота-она» тизими илм ва ижтимоий амалиётни бирлаштиради. АҚШнинг Стенфорд ва Оксфорд каби етакчи университетлари қошида фаолият юритувчи ижтимоий марказлар маҳаллий жамоалардаги қизлар учун STEM - фан, технология, инженерия, математика йўналишларида менторлик дастурларини ўтказади. Талабалар жамоалардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, қизларнинг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигини ошириш бўйича лойиҳалар бажаради ва бу уларга олий таълимда академик кредит сифатида ҳисобланади.

Жанубий Корея тажрибасидаги «Saemaul undong» - янги қишлоқ ҳаракати моделида эса университет талабалари маҳаллий кенгашларга юборилиб, аёлларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва уларни маҳаллий бошқарувга жалб қилиш бўйича доимий тренинглар ўтказган. Бу жараён хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини тубдан ўзгартирган.

Ўзбек миллий маҳалла институти ривожланган давлатларнинг мазкур тузилмаси билан солиштирилганда бир қатор бетакрор ва устун жиҳатларга эга. Маҳалла — тарихан асрлар давомида шаклланган ноёб жамоавий ўзини ўзи бошқариш тизимидир. Унинг илдизлари қадимги даврларга бориб тақалиб, аҳолининг муайян ҳудудда жамоа ва оқсоқоллар атрофида уюшишидан бошланган.

Ўрта асрларда бу институт оилавий қадриятлар ва ижтимоий назорат марказига

айланди. Бу даврда аёлларнинг жамоатчиликдаги ўрни асосан оилавий ишлар билан чекланган бўлса-да, маҳаллада кайвони ва отин ойилар, илмли хотин-қизлар оилалар ўртасидаги ижтимоий масалаларни ҳал этишда, маърифат ва ахлоқий муҳитни сақлашда муҳим нуфузга эга бўлишган.

Мустабид тузум даврида мафкуравий чекловларга қарамай, маҳалла институти тарихий ва миллий вазифаларини сақланиб қолди ва аёлларнинг таълим олиши ҳамда меҳнат фаолиятига жалб этилиши ортидан хотин-қизларнинг маҳалла ҳаётидаги ижтимоий ўрни кенгая бошлади. Тархий жараёнда илк бор гендер тенглиги маҳалла бошқарувининг устувор йўналишига айланди. Бугунги кунда маҳалла институти хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тазйиқдан ҳимоя қилиш ва жамиятда тенг имкониятларни таъминловчи муҳим амалий майдондир.

Ғарб жамиятида асосан маҳалла кўнгилли уюшмалар ёки локал нодавлат ташкилотлари шаклида бўлса, ўзбек маҳалласи яхлит, институционаллашган ва хонадонгача кириб борувчи мустаҳкам тизимдир. Дарҳақиқат, ўзбек маҳалласидаги «маҳалла хотин-қизлар фаоли» ва «ёшлар етакчиси» каби штатли тузилмалар дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган манзилли ишлаш услубидир. Хорижий моделларда университет ва жамоа ўртасидаги алоқа кўпроқ грантлар ёки алоҳида лойиҳаларга таянса, ўзбек маҳалласи олийгоҳлар учун доимий, яхлит ва тизимли ижтимоий лаборатория вазифасини ўтай олади. Маҳалладаги бевосита юзма-юз мулоқот оила ичидаги гендер стереотипларини енгишда хорижий масофавий усуллардан анча самаралироқдир.

Муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир ислоҳотида, ҳар бир қарорлари ва ташаббуслари заминида оилалар, хонадонлар, маҳалла аҳли, ёшларнинг фаровон ҳаёти кўзланганлиги акс этади.

Айтиш керакки, мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқаришда “катта сакраш даври” бўлди. Бу борада эса дунёқараши ва мақсадлари ўзгарган, бугун оламшумул ютуқларни қўлга киритаётган ёшларимиз шу даврнинг маҳсулини ўз ҳаракатлари била яққол намоён

этмоқда.

Айниқса, қийин аҳволга тушган, алоҳида эътиборга муҳтож ёшлар қатламига катта эътибор қаратилмоқдаки, шароити оғир ёшларни масъул раҳбарларга бириктирилиши ўз самарасини бераяпти.

Жумладан, Фарғона давлат университети маҳаллалардан бириктирилган ёшлар билан ишлаш тизими ҳам бугун ўз натижадорлигини кўрсатмоқда. Сўнги даврда университетда “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида 10 тагача маҳаллага бириктириш тизими жорий этилди. Натижада зиёлилар маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда маҳалла билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди.

Бу ёшларнинг маънавий, ижтимоий, жисмоний, моддий ва тиббий ҳолати билан "хонадонбай” тарзда ишлар олиб борилиб, мунтазам равишда ишлаб келингани натижасида бугун юзлаб ёшларнинг жамиятда ўрни мустаҳкамланиб, ҳаётга қизиқиши, ўзига бўлган ишончи, фикрлаши ва мамлакат келажагига даҳлдорлиги ошиб борди.

Бу самарадорликдан келиб чиқиб, маҳалла ва университетлар ҳамкорлигида ёшларнинг гендер тенглиги ва ижтимоий фаоллигини таъминлаш учун қуйидаги механизмларни жорий этиш таклиф этилади:

1.Амалий мисол сифатида «университет – маҳалла» Менторлик ва ижтимоий инкубатори моделини келтириш мумкин. Университетларнинг гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий факультетлари талабалари маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ва олий таълимга кира олмаган қизлар учун ментор сифатида бириктирилади. Талаба-қизлар маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳудуддаги қизларга рақамли кўникмалар, чет тиллари, тадбиркорлик ва ҳуқуқий саводхонлик бўйича бепул курслар ташкил этади. Бу жараён талабаларга педагогик ёки социологик амалиёт соати бўлиб ўтади ва уларнинг академик рейтингида инобатга олинади.

2.Яна бир таклиф – маҳаллаларда "рақамли социологик мониторинг" тизимини жорий этишдир. Университетнинг ёш тадқиқотчилари маҳаллалардаги хотин-қизларнинг бандлиги, таълим даражаси ва ижтимоий муаммоларини реал вақт режимида таҳлил қилувчи интерактив ижтимоий хариталарни яратади. Бу маълумотлар «маҳалла еттилиги»га манзилли қарорлар қабул қилишда илмий манба

бўлиб хизмат қилади.

3. Шунингдек, олий таълим дастурларига "жамиятга хизмат қилиш орқали таълим олиш" модулини мажбурий-ихтиёрий фан сифатида киритиш зарур. Талаба битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишдан олдин маҳалладаги хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган аниқ бир лойиҳани амалиётга татбиқ этиши ва унинг ижтимоий самарадорлигини кўрсатиб бериши лозим. Бундан ташқари, «маҳалла - оила - олийгоҳ» кластерини тузиб, оилаларда қизлар таълимига нисбатан учрайдиган салбий стереотипларга барҳам бериш учун университет профессор-ўқитувчилари ва психологлари иштирокида маҳалла нуронийлари ва ота-оналар учун доимий очиқ мулоқот ва тренинглар ташкил этиш тавсия этилади.

Хулоса. Маҳалла ва олий таълим муассасаларининг тизимли ҳамкорлиги – ёшларнинг, хусусан хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда жамиятда соғлом гендер муҳитини қарор топтиришнинг муҳим манбаидир. Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база, ижтимоий электрон тизимлар ва «маҳалла еттилиги» институти ёшларнинг интеллектуал ва ижтимоий салоҳиятини мустаҳкамлайдиган чинакам социал лабораториядир. Маҳалла ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ёшларнинг гендер тенглиги ва ижтимоий фаоллигини таъминлаш натижасида илмий изланишларимизни амалий муҳит билан бирлаштириб, гендер стереотипларини камайтирадиган, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий мустақиллигини сақлайдиган ҳамда ижтимоий капитал юқори бўлган барқарор винклюзив жамият барпо этамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-561-сон. 2019 йил 2 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2019. – № 36. – 634-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармони. 2022 йил 7 март // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 08.03.2022 ж., 06/22/87/0198-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ўрнини ошириш ва маҳаллада муаммоларни ҳал этишда биринчи бўғин органларининг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-209-сон Фармони. 2023 йил 21 декабрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 22.12.2023 ж., 06/23/209/0957-сон.

5. Азизов А.А. Маҳалла ва олий таълим интеграциясида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш омиллари // Социология ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2023. – № 2. – Б. 45–52.

6. Бурдьё П. Формы капитала / Пер. с англ. М.С. Добряковой // Экономическая социология. – Москва, 2002. – Т. 3. – № 5. – С. 60–74.

7. Исмаилова З.К., Мухитдинова Ф.А. Ўзбекистонда гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги: монография. – Тошкент: Академия, 2022. – 184 б.

8. Каримова Э.М. Маҳалла институтида хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион механизмлари: социол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2021. – 62 б.

9. Патнам Р. Чтобы социум работал: Социальный капитал и традиции процветания / Пер. с англ. А.М. Татарковского. – Москва: Ad Marginem, 2015. – 288 с.

10. Bringle R.G., Hatcher J.A. Reflection in Service-Learning: Making Meaning Experience // Educational Horizons. – 1999. – Vol. 77. – No. 4. – P. 179–185.

11. Jacoby B. Service-Learning in Higher Education: Concepts and Practices. – San Francisco: Jossey-Bass Publishers, 2015. – 320 p.

12. Strand K., Marullo S., Cutforth N., Stoecker R., Donohue P. Community-Based Research and Higher Education: Principles and Practices. – San Francisco: Jossey-Bass, 2003. – 288 p.